

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМОВ ОЙБЕК ТУРАБАЕВИЧ

ГРАФЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА МАРШРУТЛАРНИ ТАНЛАШ
МАСАЛАСИНИ ЕЧИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.04-Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Алламов Ойбек Турабаевич

Графлар назарияси асосида маршрутларни танлаш масаласини ечиш усул ва алгоритмлар..... 3

Алламов Ойбек Турабаевич

Методы и алгоритмы решения задачи выбора маршрута на основе теории графов..... 19

Allamov Oybek Turabaevich

Methods and algorithms for solving the route selection problem based on graph theory..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМОВ ОЙБЕК ТУРАБАЕВИЧ

ГРАФЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА МАРШРУТЛАРНИ ТАНЛАШ
МАСАЛАСИНИ ЕЧИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.04-Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишанов Аҳрам Хасанович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рахматуллаев Марат Алимович
техника фанлари доктори, профессор

Сувонов Олим Омонович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Х.Н.Зайниддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳонда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш, йўлдаги тирбандликларнинг олдини олиш ва транспорт оқимларини оқилона бошқариш масалаларини ҳал қилишда соҳага автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий қилиш ҳамда мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда «Google компаниясининг навигация тизими фойдаланувчиларининг сони 200 миллионга етган»¹ ва бу кўрсаткич йил сайин кўпайиб бормоқда. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, хусусан Россия, АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Япония ва Ўзбекистонда навигация тизимлари асосида транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш, йўлдаги тирбандликларни камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда объектлар геоjoyлашув харитасини тузиш, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш ва заҳира маршрутларни аниқлаш масалаларини тадқиқ қилиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан графлар назарияси, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмларидан фойдаланган ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ва шаҳарларда тирбандликларни камайтириш учун дастурий воситалар мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда ахборот-коммуникация технологиялари асосида техник, интерактив ва интеллектуал хизмат кўрсатиш, ривожлантириш сифатини оширишга, хусусан, транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ва шаҳарларда йўлдаги тирбандликларни камайтириш, муҳим объектларнинг геоjoyлашуви тўғрисидаги маълумотларни олиш, заҳира йўллари аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, ... иқтисодиёт, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, хусусан, графлар назарияси асосида маршрутни танлаш масаласини ечиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 29 августдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3245-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги «Бухоро, Самарқанд,

¹ <https://www.statista.com/statistics/204907/number-of-google-maps-mobile-users-since-2010/>

² http://strategy.gov.uz/uz/pages/development_economy

Хива ва Шахрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги 939-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV.«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Графлар назариясига асосланган транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири бўлган маршрутларни танлаш масаласини ҳал қилиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш борасида қуйидаги олимлар тадқиқотлар олиб борган: G.B.Dantzig, R.E.Bellman, L.R.Ford, D.R.Fulkerson, E.W.Dijkstra, P.D.Whiting, J.A.Millier, S.Warshall, D.B.Johnson, E.V.Denardo, B.L.Fox, M.L.Fredman, R.E.Tarjan, P.Vincke, G.Ramalingam, T.Reps, R.W.Floyd, В.Ананий, В.Ю.Андрианов, Е.О.Трубаков ва бошқаларнинг ишида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.Х.Фозилов Р.Х.Хамдамов, А.Х.Нишанов, М.А.Рахматуллаев, Д.Т.Мухамедиева, Н.А.Игнатъев ва бошқалар интеллектуал таҳлил, маршрутларни танлаш масалаларини ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда графнинг динамик ўзгариши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўп параметрли графда энг мақбул маршрутларни танлаш имконини берувчи усул ва алгоритмларни яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-5-019 «Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоқларининг ишончлилигини муқобиллаштиришнинг нейроноравшан усуллари» (2012-2014) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади графлар назариясининг модель, усул ва алгоритмлари асосида транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солишни лойиҳалаш, маълумотларга параллел ва тақсимланган ҳолда ишлов беришнинг дастурлари мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

шаҳарларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш, йўлдаги тирбандликларни камайтиришда маълумотлар графи ва билимлар базасининг ахборот моделини ишлаб чиқиш;

граф маълумотлари базаси асосида транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш учун L захира йўллари танлаш ва мақбул маршрутни аниқлаш алгоритмининг ишлаб чиқиш;

транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда маълумотларни параллел ва тақсимланган ҳолда қайта ишлаш усулини ишлаб чиқиш;

транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда маълумотларни шакллантириш, йиғиш ва қайта ишлашга йўналтирилган дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида шаҳарларда транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш ва тирбандликларнинг олдини олишнинг ўзгарувчан жараёнлари олинган.

Тадқиқот предмети - транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш мезони, граф маълумотлар ва билимлар базаси, статик ва динамик параметрларни шакллантириш, графларга асосланган алгоритмлар ва дастурий воситалар қаралган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида графлар назарияси, маълумотларнинг интеллектуал таҳлили, алгоритмлаш, моделлаштириш, параллел ҳисоблаш ва динамик дастурлаш ҳамда объектга-йўналтирилган дастурлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш учун L та заҳира йўлни аниқлаш ва мукамал маршрутни танлаш масаласини ечишнинг Дейкстра алгоритми динамик тузилмалар асосида такомиллаштирилган;

шаҳарларда транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш ва тирбандликларни камайтиришда граф маълумотлар базасининг ахборот IDEF1x модели ишлаб чиқилган;

транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солишда маълумотларга параллел ва тақсимланган ҳолда ишлов бериш алгоритми ишлаб чиқилган;

энг мақбул маршрутларни аниқлашда ахборот тизимлари билан ўзаро боғланишни ва маълумот алмашишни таъминловчи интеграция модуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспорт воситалари ҳаракатларини, сув оқимларини мукамал тақсимлаш ва телекоммуникация тизимларида ахборот оқимларини бошқариш учун динамик кўп параметрли графлар асосида маршрутларни танлаш масаласини ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш учун ресурс чекланганда маршрутларни танлаш масаласини ечиш усули ишлаб чиқилган;

тармоқларда ахборот оқимларини кўп параметрли мукамал, тўғри бошқаришнинг алгоритми ва дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш, шаҳарларда тирбандликларни камайтириш учун статик ва динамик параметрларни инобатга олган ҳолда мақбул маршрутлар аниқлашнинг дастурий воситалар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги транспорт воситаларининг ҳаракати ва телекоммуникация тизимларининг ахборот оқимларини бошқариш учун динамик кўп параметрли

графлар асосида маршрутларни танлаш масаласини ечишнинг математик ифодаланиши ҳамда уларни ечишда таклиф қилинган алгоритмлар мутахассис экспертлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги, шунингдек яратилган дастурий воситанинг тест натижаларига мослиги ва ҳақиқий маълумотлар билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ва шаҳарларда тирбандликларнинг олдини олиш жараёнида графлар назарияси асосида маршрутларни танлаш масаласини ечишда назарий тажрибаларни ўтказишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти статик ва динамик параметрларни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш учун мақбул маршрутлар жадвалини тузишда алгоритмик ва дастурий воситаларни амалга жорий қилиш натижасида маълумотлар график кўринишда ифодаланади, мониторинг ўтказилади ва мақбул қарор қабул қилинади, ҳақиқий вақт режимида транспорт воситаларининг ҳаракатланишини кузатиш, ҳаракат йўналиши бўйича маршрутлар жадвалини олиш, ҳаракатланиш вақти ва харажатларини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Графлар назарияси асосида маршрутларни танлаш масаласини ечиш усул ва алгоритмлари ҳамда дастурий воситалар мажмуасини лойиҳалаш асосида:

кўп параметрли динамик графларда энг мақбул маршрутларни аниқлаш алгоритми ва дастурий воситаси “Ўзбектелеком” АКнинг “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиалига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 33-8/7905-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастурий воситани қўллаш орқали мутахассисларга тизим турғун ишлашида қарор қабул қилиш жараёни самарадорлигини ошириш имконини берган;

транспорт воситалари ҳаракатларини тартибга солиш ва шаҳарларда тирбандликларни камайтириш учун ишлаб чиқилган дастурий воситалар мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти “MustafoSoftware” МЧЖга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 33-8/7905-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасидаги математик ва дастурий таъминотни қўллаш транспорт воситаларига кетадиган сарф-харажатларни 11-15% га камайтириш имконини берган;

транспорт воситалари ҳаракатларини мониторинг қилиш ва фойдаланувчиларга интерактив хизмат кўрсатувчи дастурий восита Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилояти бошқармасида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 33-8/7905-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастурий воситани қўллаш шаҳарда транспорт воситаларидан фойдаланиш унумдорлигини 1,2 мартага ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари апробациядан ўтган ҳамда 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда 4 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва унга қанчалик талаб катталиги, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалга жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Навигация тизимлари, маршрутларни танлаш масаласини ечиш алгоритмлари ва усулларининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида маршрутларни танлаш масаласини ечиш усули, алгоритми ва навигация тизимларини ўрганиш бўйича хорижий давлатлар ва республикамизда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Бунда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ва йўлдаги тирбандликларни камайтириш учун ишлаб чиқилган усул, мезонлар ва энг мақбул маршрутларни танлашда фойдаланиладиган тизимлар, хизматлар, технологиялар тадқиқ қилинган. Транспорт воситалари учун кўрсатиладиган интерактив хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда навигация тизимларида қўлланиладиган ускуна ва технологияларнинг таҳлили келтирилган.

Таҳлил натижасида навигация тизимлари асосида объектларнинг геожойлашуви тўғрисидаги маълумотларни олиш, шаҳарларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш ва йўлдаги тирбандликларнинг олдини олиш учун дастурий воситалар мажмуасини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда маршрутларни танлаш масаласини ечиш учун веб-технологияларга асосланган дастурлар таҳлил этилган. Кенг қўлланилаётган маршрутларни танловчи

дастурларнинг камчиликлари ўрганилган, мақбул маршрутни танлаш ва йўлнинг давомийлиги ўртасида алоқа йўклиги асосланган, булар асосида бошқа параметрларнинг аҳамияти белгиланган.

Энг қисқа йўлни аниқлаш усул ва алгоритмларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Алгоритмларнинг қиёсий таҳлили асосида Дейкстра алгоритмини такомиллаштириш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланган.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш, телекоммуникация тармоқларидаги ахборот оқимлари, гидроконструкцияларни бошқариш каби муаммоларни ҳал этиш маршрутни танлаш масаласининг ечимини топиш билан чамбарчас боғлиқ. Маршрутларни танлаш деганда ҳаракатланаётган бирор бир объектнинг бир жойдан иккинчи жойга мақсадли (мезон, қоидага асосланган ҳолда) кўчиши тушунилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, динамик мақбул маршрутларни танлаш масаласида графнинг тугунлари ва қирралари сонининг кўп бўлиши энг яқин бўлган заҳира йўлларни ва мақбул маршрутларни топиш орқали ҳисоб-китоблар ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Таҳлилларга кўра техник жиҳозлар, ҳисоблаш воситалари ва дастурий воситаларнинг ривожланиши транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш масаласини ҳал қилиш имконини беради. Ушбу диссертация иши кўп параметрли функционал боғланган динамик ҳолатлар учун энг мақбул маршрутлар заҳирасини танлаш, граф қирралари орасидаги боғлиқликларни ўрганади.

Таҳлил натижаларига кўра биринчи бобнинг якунида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Графлар назарияси асосида маршрутларни танлаш масаласини ечиш усул ва алгоритмлари”** деб номланган иккинчи боби кўп параметрли графлар асосида энг мақбул маршрутларни топиш усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишга бағишланган.

Графлар назариясидан фойдаланган ҳолда маршрутларни танлаш масаласини ечиш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Маршрутларни танлаш масаласини ечишда статик кўп параметрли граф қирраларининг оғирлик коэффициентини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилиб, улар асосида энг мақбул йўллар мажмуалари аниқланган. Бундан ташқари, энг мақбул йўллар мажмуасини танлаш бўйича такомиллаштирилган Дейкстра алгоритми ишлаб чиқилди. Динамик параметрли графда энг мақбул маршрутларни танлаш ресурслари ва алгоритми чекланганда маршрутларни танлаш масаласини қисман ечиш усули ишлаб чиқилди.

Дастлабки граф қуйидаги кўринишда берилган: $G = (V, E)$, бу ерда $V = (v_1, v_2, v_3, \dots, v_n)$ графнинг учлари; $E = (e_1, e_2, e_3, \dots, e_m)$ эса - қирралари. Ҳар бир қирра $e_i = (v_x, v_y)$, $1 \leq x, y \leq n$. Бундан ташқари, e_i қирраларга мос c_{ij} , $i = \overline{1, m}$, $j = \overline{1, n}$ статик параметрлар берилган. Диссертация ишида статик c_{ij} параметрларнинг бир қисмини минималлаштириш, шунингдек қолган қисмини

максималлаштириш масаласи кўриб чиқилган. Минималлаштирилган параметрлар a_i деб, максималлаштирилган параметрлар эса b_i деб белгиланган ва улар қуйидагича ҳисобланган:

$$a_i = \frac{1}{k} \sum_{j=1}^k C_{ij} ; b_i = \frac{1}{u-k} \sum_{j=k+1}^u C_{ij} , i = \overline{1, m} \quad (1)$$


Бу ерда a_i , i -қирранинг максималлаштирилган коэффицентларининг ўртача k суммасини билдиради, b_i , эса i -қирранинг $u-k$ та минималлаштирилган коэффицентларининг ўртача суммасини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, графда a_i компонентлар асосида минималлаштириш ва b_i , компонентлар бўйича максималлаштириш масаласи кўриб чиқилади.

Бу иккита масала умумлаштирилган ҳолда қуйидаги шаклда келтирилган:

$$\left\{ \begin{array}{l} I(\lambda_p) = \frac{\sum_{i=1}^m a_i \cdot \lambda_{pi}}{\sum_{i=1}^m b_i \cdot \lambda_{pi}} \rightarrow \min \\ \lambda_p \in \Lambda^l = \{\lambda_p : \lambda_{pi} \in \{0,1\}, i = \overline{1, m}, l = \overline{1, m}\} \end{array} \right. \quad (2)$$

Ушбу ифодада, $I(\lambda_p)$ - P -йўлга тегишли сифат мезонининг функционал қиймати, Λ^l - тўплам, $\lambda_p = (\lambda_{p1}, \lambda_{p2}, \lambda_{p3}, \dots, \lambda_{pm})$ - ушбу графда $l = \overline{1, m}$ асосида мавжуд бўлган барча йўллар мажмуаси, шунингдек бу ерда йўлларнинг умумий миқдори $p \leq 2^m - 1$ дан ошмайди. Танланган λ_p йўлнинг функционал қиймати қанчалик кичик бўлса, бу йўл шунчалик мақбул ҳисобланади. Қирралар коэффицентининг ўлчами $Q_{e_i} = a_i/b_i$, $i = \overline{1, m}$ деб белгиланган ва ундан графнинг кўп параметрли ҳолатидан битта параметрга ўтиш учун фойдаланилади.

Бундан ташқари, диссертация ишида кўп қатламли нейрон тўрлар модели асосида қирраларнинг оғирлик коэффицентларини аниқлаш масаласи ечилган.



1-расм. Кўп қатламли нейрон тўр модели

Қирраларнинг оғирлик коэффицентларини аниқлаш 1-расмда келтирилган нейрон тўр асосида ҳисобланади. Нейрон тўрни қуришда кирувчи параметрлар сифатида статик параметрлар, ҳар бир қирра учун берилган маълумотлар олинса, чиқишда экспертлар томонидан белгиланган баҳолар


олинади. Яширин қатламдаги ва статик параметрлар сонига қараб кирувчи нейронлар сони бир-бирига мос равишда ўзгаради.

Графда қирраларнинг умумий оғирлиги бўйича тугунлараро L та йўлни топиш талаб қилинади

$$P_L = Fp(G(V, E), Q) \quad (3)$$

Fr-функциядан графнинг бир тугунидан бошқасига борадиган энг мақбул L та маршрутни танлаш учун фойдаланилади. Ушбу функцияга кирувчи параметрлар сифатида графнинг боғланиши ва ҳар бир қирра учун оғирлик коэффиценти берилган. Бунда маршрутларни танлаш мезони сифатида граф қирралари оғирлик коэффиценти минимум бўлиши талаб қилинади. Чунки берилган графда энг мақбул маршрутларни танлашда уларни минималлаштириш орқали масалани ечиш мумкин.

Келтирилган (3) ифодада функцияни куришда 2-расмда келтирилган такомиллаштирилган Дейкстра (ТД) алгоритмидан фойдаланилган.



2-расм. Графда L та маршрутни аниқлаш учун такомиллаштирилган Дейкстра алгоритми

2-расмда келтирилган алгоритм граф қирраларининг оғирлик коэффицентлари асосида тугунлараро мақбул L та маршрутни танлаш имконини беради.


Натижада P_L (3) ифода асосида мақбул маршрутлар динамик параметрлар бўйича текширилади. Динамик параметрлар $D = \{D_{ij}\}_t$, $i = \overline{1, m}$, $j = \overline{1, h}$ матрицанинг

автоматик датчиклари ёрдамида шакллантирилади.

$$BP_L = Fb(P_L, D) \quad (4)$$

Fb -функция (3) ифода орқали аниқланган P_L маршрутни текширади ва энг мақбул бўлган BP_L маршрутлардан фойдаланишни таклиф қилади.

Диссертациянинг **“Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда маршрутни танлаш масаласини ечишнинг дастурий воситасини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишнинг ишлаб чиқилган усуллари ва моделлари асосида тажрибавий ҳисоблашлар учун дастурий ва техник талаблар белгилаб берилди. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солувчи ва мониторинг қилувчи ахборот тизими ишлаб чиқилган. Тизим мижоз-сервер архитектурасига асосланган ва кўп фойдаланиладиган режимда ишлашга мўлжалланган MVC-технологияси асосида қурилган бўлиб, TCP/IP протоколи бўйича маълумотлар алмашинувини таъминлайди. Ушбу архитектурада маълумотларни қайта ишлаш босқичлари 3-расмда келтирилган. Улар маълумотларни тақдим этиш, бизнес-логика, маълумотлар базасини бошқаришдан иборат.



3-расм. Ахборот тизимининг маълумотларни қайта ишлашнинг мижоз-сервер архитектураси

Ишлаб чиқилган ахборот тизимида модулар ёрдамида маълумотларнинг интеграциялашуви бошқа дастурий таъминот ва ахборот тизимлари билан маълумот алмашинувини таъминлайди.


Ахборот тизимининг интеграция модуллари орқали қуйидаги веб-

хизматлар тақдим қилинади:

- шаҳарларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мақбул маршрутларни танлаш интерактив хизмати;
- ҳақиқий вақт режимида транспорт воситаларининг ҳаракатини мониторинг қилиш интерактив хизмати;
- тез тиббий ёрдам машиналари учун экспресс-маршрутларни танлаш интерактив хизмати;
- ЙҚХБ инспекторларини йўлдаги тирбандлик тўғрисида хабардор қилиш интерактив хизмати;
- сайёҳларга аҳамиятли бўлган объектларни кидириш интерактив хизмати.

API (Application Programming Interface) интеграция модуллари орқали ҳар бир веб-сервис маълумотлари стандарт маълумотлар билан алмашиш формати ҳисобланган JSON форматида қабул қилинади. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда маълумотлар базасини ифодаловчи IDEF1x модели ишлаб чиқилди.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш дастурий воситасини лойиҳалашда граф маълумотларини тақсимлаган ҳолда қайта ишлаш кўп ядроли процессорларда параллел равишда ишлаш имконини беради. Маълумотлар структураси иккита қатлам кўринишида ифодаланди. Графни қисмларга ажратишда А дан М гача белгилар киритилган. Катта граф графлар ўртасидаги ўзаро алоқани ифодалайди. 4-расмда катта масштабни графда энг мақбул маршрутларни танлаш алгоритми келтирилган.



4-расм. Катта масштабни графларни тақсимланган ва параллел қайта ишлаш алгоритми

4-расмда келтирилган алгоритм катта масшабли кўп параметрли динамик графда мақбул маршрутларни танлаш учун қўлланилади. Маршрутларни танлашда 2-расмдаги такомиллаштирилган Дейкстра алгоритми қўлланилади.


Катта масшабли графда энг мақбул маршрутларни аниқлашда 4 ядроли 2.40 Гц частотали процессорда олинган натижалар ва алгоритмлар самарадорлиги баҳоланган.

1-жадвал

Катта масшабли графни оддий ва параллел ҳисоблаш алгоритмлари асосидаги натижаларнинг қиёсий жадвали

Шаҳарлар сони	Чўқкилар сони	Қирралар сони	Оддий ҳисоблаш алгоритми(мс)	Параллел ҳисоблаш алгоритми(мс)	Алгоритмларни таққослаш
10	24896	75934	4084	1858	2,20
20	48028	146855	9359	3763	2,49
30	74622	216779	11741	4837	2,43
40	99903	314791	17768	6884	2,58
50	124288	381789	24985	8137	3,07
60	152071	440901	39734	10146	3,92
70	172484	526340	46218	10809	4,28
80	197644	630076	55600	11060	5,03
90	229266	693474	63337	11190	5,66
100	251802	735027	70006	12014	5,83

Келтирилган натижаларга кўра, битта ядро ва тўртта ядродан фойдаланилганда граф учларининг ўсиб бориши алгоритм ишлаш вақтлари орасидаги фарқ ҳам ўсади. Ядролар сони тўртта бўлганда графларни қисм графларга ажратиш натижасида ҳисоблаш самарадорлиги тахминан 6 мартага ошади. Ҳисоблаш машиналари ядролари қанча кўп бўлса, ҳисоблаш самарадорлиги шунча ошади.




5-расм. Катта масшабли графда оддий ва параллел ишлаш алгоритмларининг самарадорлигини таққослаш

5-расмда келтирилган алгоритмларни таққослаш 1-жадвалда берилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Диссертациянинг “**Дастурий воситанинг амалий соҳаларга тадбиқи ва натижалар таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобида йўл маълумотлари асосида Урганч шаҳрида транспорт воситалари ҳаракатининг тартибга солинишини таъминловчи графларга асосланган маршрутлаш бўйича дастурий воситанинг илмий-тажриба синовларининг ўтказилиши тавсифланган.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш тизими куйидаги 195.158.8.44/map манзил бўйича жойлаштирилди. Дастур шу манзилда жойлашган Андроид платформасида мижоз дастурини ишга тушириш натижасида фаоллаштирилди. Бундан ташқари, объектнинг геоjoyлашувидан келиб чиқиб, экранда Google компаниясининг API хизматлари базасидаги харита пайдо бўлади. Ушбу харитада фойдаланувчи-нинг бир жойдан бошқа жойга ўтиш нуқталари белгиланган. Натижада тизим энг мақбул деб аниқлаган 20 та маршрутларни таклиф қилади.


Албатта, баён қилинган натижаларни олиш учун, маъмурлар томонидан йўлга тегишли параметрлар олдиндан киритилган бўлиши лозим. Урганч шаҳри йўл тизимига тегишли бўлган барча маълумотлар тизим маъмури томонидан киритилган. Урганч шаҳрида темир йўл вокзалидан аэропортгача олиб борадиган йўллар ичидан энг мақбул йўлни танлаш 5-расмда келтирилган.



6-расм. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш тизими фойдаланувчисининг интерфейси

Натижалардан кўриниб турибдики, мақбул маршрутлар мавжуд, ҳар бири учун сарфланадиган вақт ва йўл узунлиги кўрсатилган ҳамда йўлларнинг қайси жойида тирбандликлар бўлаётгани қизил чизиқлар билан кўрсатилган.

Бундан ташқари, Андроид версияси учун ҳам Урганч шаҳрининг исталган жойидан сўровни амалга ошириш мумкин. Масалан, Урганч шаҳридаги “Агробанк”дан “Бобур” қаҳвахонасигача бўлган йўл белгиланса, у ҳолда харитада энг мақбул маршрутлар аниқланади.



7-расм. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш тизимининг Андроид мижозлари учун мўлжалланган интерфейс

Натижада, мобил илованинг 6-расмда келтирилган ўнг томонида йўллар узунлиги, маршрутга сарфланадиган тахминий вақт ва маршрутнинг ўртача тезлиги ҳақида маълумотлар берилади.

Дастур фойдаланувчиларнинг мобил қурилмаларига ва жамоат транспортига ўрнатилади, йўлларда юзага келаётган тирбандликлар ҳақидаги маълумотлар серверга юборилади. Йўлдаги тирбандликлар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлардан мақбул маршрутларни олиш учун мўлжалланган тизим, дастурий воситалар мажмуалари томонидан фойдаланилади. Бундан ташқари, меҳмонлар ва тизимдан фойдаланувчилар учун харита ёрдамида меҳмонхоналар, дорихоналар, ресторанлар, касалхоналар, супермаркетлар, бекатлар ва автопарклар тўғрисида ҳамда уларга олиб борадиган маршрутлар тўғрисида маълумотлар берилади.

ХУЛОСА

Графлар назарияси асосида маршрутларни танлаш масаласини ечиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Транспорт воситаларининг ҳаракатини бошқариш ва тартибга солиш дастурий воситаларини яратиш жараёнларини лойиҳалаш асосида граф маълумотлар ва билимлар базасининг IDEF1x модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган граф маълумотлар ва билимлар базасининг яратилиши шаҳар йўл инфратузилмасига тегишли катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш имконини беради;

2. Граф маълумотлар базаси асосида мақбул маршрутни танлаш ва L заҳира йўллари аниқлаш масаласини ечиш учун Дейкстра алгоритмининг такомиллаштириш транспорт воситалари ҳаракатининг тартибга солинишини таъминлаш имконини берди;

3. Маълумотлар тақсимланган ҳолда қайта ишлаш алгоритмидан фойдаланган ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишни таъминловчи дастурий восита ишлаб чиқилди. Натижада катта ҳажмдаги графларга ишлов бериш имконияти яратилди;

4. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишнинг дастурий воситасини яратиш жараёнларини лойиҳалаштириш натижасида ҳисоблаш воситалари ва архитектура дастурининг ўзаро боғланиш тузилмасини яратиш, дастурий воситани тез ва оптимал ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлди;

5. Энг мақбул маршрутларни танлашда ахборот тизимлари ўртасида маълумотлар алмашиш ва ўзаро боғланишни таъминловчи интеграциялаш модуллари ишлаб чиқилди. Натижада API хизматидан фойдаланиш йўли орқали бошқа дастурий воситалар томонидан маршрутларни танлаш имкони пайдо бўлди;

6. Дастурий восита мижоз-сервер архитектураси асосидаги кўп функционал режимда ишлайди, MongoDB маълумотлар базасини ва HTML, JAVA, AJAX, ANGULARJS веб-технологияларидан фойдаланувчи MVC-технология асосида қурилган. SPRING фреймворк асосида транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солувчи дастурий восита ишлаб чиқилди, бу JWT ёрдамида маълумотларни ҳимояланган узатиш ва RBAC усулини қўллаш йўли билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

7. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда графларга асосланган маршрутларни танлаш масаласини ечиш дастурий воситасининг яратилиши фойдаланувчиларга мақбул маршрутларни танлаш, маълумотларни визуаллаштириш, аҳамиятли объектлар бўйича маълумотларни излаш, йўлдаги тирбандликлар ҳақида маълумотлар олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи органларга тегишли қарорлар қабул қилишга ёрдам бериш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

АЛЛАМОВ ОЙБЕК ТУРАБАЕВИЧ

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧИ ВЫБОРА МАРШРУТА
НА ОСНОВЕ ТЕОРИИ ГРАФОВ**

**05.01.04-Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Т48.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Нишанов Ахрам Хасанович**
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Рахматуллаев Марат Алимович**
доктор технических наук, профессор

Сувонов Олим Омонович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №__). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2018 г.).

Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

Х.Н. Зайниддинов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В мире уделяется особое внимание внедрению и совершенствованию существующих автоматизированных информационных систем в отрасли при решении вопросов упорядочивания движения транспортных средств, профилактике дорожных заторов и рациональному управлению транспортными потоками. Согласно статистическим данным в 2017 г. «количество пользователей навигационной системы компании Google достигло 200 млн. человек»¹ и этот показатель увеличивается с каждым днем. В некоторых странах мира, в частности в России, США, Великобритании, Китае, Индии, Германии, Японии и Узбекистане ведутся научные изыскания по упорядочиванию движения транспортных средств, снижению дорожных заторов на основе навигационных систем.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, связанные с разработкой алгоритмов и методов исследования вопросов построения карты геолокаций объектов, упорядочивания движения транспортных средств и определения запасных маршрутов с использованием автоматизированных систем. В этой связи, важной задачей является разработка комплекса программ, позволяющих упорядочить движение транспортных средств и минимизировать дорожные заторы в городах, с использованием теории графов, алгоритмов и методов интеллектуального анализа.

В нашей Республике особое внимание уделяется повышению качества технического, интерактивного и интеллектуального обслуживания, развития на основе информационно-коммуникационных технологий, в частности упорядочиванию движения транспортных средств и снижению дорожных заторов в городах, получению сведений о геолокации важных объектов, выявлению запасных путей. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены, в частности задачи по реализации «целевых программ по... развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур ...дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»². Реализация данных задач, в частности разработка методов и алгоритмов решения задачи выбора маршрута на основе теории графов является одним из важнейших вопросов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 г. № ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», Постановлением Кабинета Министров

¹ <https://www.statista.com/statistics/204907/number-of-google-maps-mobile-users-since-2010/>

² http://strategy.gov.uz/uz/pages/development_economy

Республики Узбекистан от 23 ноября №939 «О мерах по обеспечению безопасного туризма в городах Бухаре, Самарканде, Хиве и Шахрисабзе», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Исследования, связанные с решением задачи выбора маршрута и его внедрения в практику, являющейся одной из основных задач по упорядочиванию движения транспортных средств на основе теории графов, проводились в работах: G.B.Dantzig, R.E.Bellman, L.R.Ford, D.R.Fulkerson, E.W.Dijkstra, P.D.Whiting, J.A.Millier, S.Warshall, D.B.Johnson, E.V.Denardo, B.L.Fox, M.L.Fredman, R.E.Tarjan, P.Vincke, G.Ramalingam, T.Reps, R.W.Floyd, В.Анания, В.Ю.Андрианова, Е.О.Трубакова и др.

В Узбекистане в решение вопросов интеллектуального анализа, выбора маршрутов и связанных с ним проблем внесли большой вклад М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.Х.Фазылов, Р.Х.Хамдамов, Д.Т.Мухамедиева, А.Х.Нишанов, М.А.Рахматуллаев, Н.А.Игнатъев и др.

В настоящее время недостаточно изучены проблемы создания методов и алгоритмов, позволяющих выбрать наиболее оптимальные маршруты в многопараметровом графе с учетом свойств его динамических изменений.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта плана научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий А5-019 «Нейронечеткие методы оптимизации надежности телекоммуникационных сетей в Узбекистане» (2012-2014).

Цель исследования заключается в разработке комплекса программ по проектированию регулирования движения транспортных средств, параллельной и распределенной обработки данных на основе моделей, методов и алгоритмов теории графов.

Задачи исследования:

разработка информационной модели графа данных и базы знаний при регулировании движения транспортных средств в городах, минимизации дорожных заторов;

разработка алгоритма по установлению L запасных путей для организации движения транспортных средств и определения оптимального маршрута на основе базы данных графа;

